Рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинди

« ТАСДИКЛАНГАН»
«KARBONAT» Aksiadorlik jamiyati
Акциядорларининг навбатдаги
Умумий йиғилиши

2016 й. 22 июнь 2-сонли Баённомаси

«KARBONAT»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ БЎЛГАН ҲОЛЛАРДА ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

Жиззах вилояти – 2016 йил

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар 3

2. Жамиятда манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш тамойиллари 3

3. Манфаатлар қарама-қаршилиги вужудга келишининг сабаблари (шартлари) 3

4. Манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш 4

5. Манфаатлар қарама-қаршилигини тартибга солиш 6

1. Умумий қоидалар

1.1. «KARBONAT» Акциядорлик жамияти (кейинчалик матн бўйича — Жамият)нинг ушбу Манфаатлар қарама-қаршилиги бўлган ҳолларда иш юритиш тартиби тўғрисидаги Низоми Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси мажлисининг баённомаси билан 31.12.2015 йилда 9-сон билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси, Жамият Устави ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамиятда вужудга келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини аниқлаш ва уни ҳал қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Жамият фаолиятини амалга ошириш вақтида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва (ёки) унинг ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларга йўл қўйилиши мумкин бўлганда Жамиятнинг (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимларининг) мулкий ёки бошқа манфаатлари ҳамда кредиторлар, контрагентлар ва бошқа мижозларнинг (кейинчалик — мижозлар) мулкий ёки бошқа манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар сабабли манфаатлар қарама-қаршилиги вужудга келиши мумкин.

Бундан ташқари, Жамият акциядорларининг манфаатлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларининг манфаатлари ва акциядор (акциядорлар) ўртасида манфаатлар қарама-қаршилиги (корпоратив қарама-қаршилик) вужудга келиши мумкин.

1.3. Мазкур Низомда вужудга келиши мумкин бўлган қуйидаги манфаатлар қарама-қаршилиги кўриб чиқилади:

мажоритар акциядорлар (акцияларнинг йирик пакетига эга бўлган акциядорлар) ҳамда миноритар акциядорлар (акцияларнинг катта бўлмаган сонига эга бўлган акциядорлар) ўртасида;

Жамиятнинг бошқарув органлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, Жамиятнинг ходимлари ва мижозлари ўртасида;

хизмат мажбуриятарини амалга ошириш чоғида Жамият ва мансабдор шахслар, Жамият ходимлари ўртасида.

1.4. Низомнинг амал қилиши Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари ҳамда барча ходимларига эгалланган лавозим мавқеидан қатъи назар татбиқ этилади.

1.5. Мазкур Нищомга риоя қилишга доир талаблар Жамият билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ҳамкорлик қилаётган жисмоний шахслар учун тегишли мажбуриятлар улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички ҳужжатларида ёхуд бевосита қонундан келиб чиққан тақдирда, уларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Жамиятда манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш тамойиллари

2.1. Жамиятда манфаатлар қарама-қаршилиги бошқариш қуйида санаб ўтилган тамойилларга асосланади:

ҳақиқий ва потенциал манфаатлар қарама-қаршилиги ҳақидаги маълумотлар ошкор этилишининг мажбурийлиги;

ҳар бир манфаатлар қарама-қаршилигини аниқлашда ҳамда уни ҳал қилишда Жамият учун обрў-эътиборга оид таваккалчиликларни якка тартибда кўриб чиқиш ва уларни баҳолаш;

манфаатлар қарама-қаршилиги ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш ҳамда уни ҳал қилиш жараёнининг қатъий сир тутилиши;

манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилишда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда унинг ходимлари манфаатларининг мувозанатига риоя қилиш;

ходим томонидан ўз вақтида ошкор этилган ҳамда Жамият томонидан ҳал этилган (олдини олган) манфаатлар қарама-қаршилиги ҳақида хабар қилинганлиги сабабли шахсни таъқиб этилишидан ҳимоя қилиш.

3. Манфаатлар қарама-қаршилиги вужудга келишининг сабаблари (шартлари)

3.1. Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасида Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасида:

қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг меъёрий ҳужжатлари ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

миноритар акциядорларнинг Жамият фаолиятига ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларга жиддий таъсир кўрсата олмаслик;

ваколатли бошқарув органлари билан дастлабки келишувсиз йирик битимлар ҳамда аффилланган шахслар билан битимларни тузиш;

Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган бошқарув органлари томонидан қарорлар қабул қилиниши;

амалдаги қонун ҳужжатларга мувофиқ ахборот ошкор этилмалиги ёхуд Жамиятнинг бошқарув органлари таркибидаги шахслар томонидан бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида эгаллаган лавозимлари, бошқа жамиятларнинг улушларига (акцияларига) эгалиги ҳақида тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим этилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган манфаатлар қарама-қаршилиги.

3.2. Бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар ва мижозлар ўртасида:

қонун ҳужжатларига, Жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя қилмаслик;

Жамият акциядорларининг манфаатлари устуворлиги тамойилига риоя этмаслик;

ишбилармонликка оид мулоқот меъёрларига ҳамда касбий одоб тамойилларига риоя этмаслик;

ҳам Жамият томонидан ҳам мижозлар томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилмаслиги;

қонун ҳужжатлари ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган ўз мажбуриятларини бажармаслик натижасида вужудга келиши мумкин бўлган манфаатлар қарама-қаршилиги.

3.3. Жамият ҳамда унинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида:

қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларининг бузилиши;

ишбилармонликка оид мулоқот меъёрларига ҳамда касбий одоб тамойилларига риоя этмаслик;

ҳам шахсий ҳам оила аъзолари томонидан тижорат фаолияти юритилиши;

Жамият ишбилармонлик муносабатларида бўлган бошқа компанияда молиявий манфаатдор бўлиш;

бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида раҳбар, мансабдор шахс лавозимида ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок этиш;

шахсий манфаатини кўзлаган ҳолда Жамиятнинг манфаатларига зид равишда бошқа ташкилотларга ишбилармонликка оид имкониятларни тақдим этиш натижасида вужудга келиши мумкин бўлган манфаатлар қарама-қаршилиги.

4. Манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш

4.1. Жамиятнинг Устави ва унинг ички ҳужжатлари билан манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш борасида умумий механизмлар кўзда тутилган.

Мазкур Низом билан Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва Жамиятнинг ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган манфаатлар қарама-қаршилиги бўйича чоралар белгиланади.

4.2. Ҳар қандай турдаги манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбур:

қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг меъёрий ҳужжатлари, Устави ва ички ҳужжатларининг талабларига риоя қилиш;

Жамият томонидан қисқа ва узоқ муддатли даврда турғун даромадлиликка эришишни таъминлаш;

манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга ошириш ва қарорлар қабул қилишдан ўзини сақлаш;

Жамият самарали равишда бошқарилишини таъминлаш;

Жамиятни ноқонуний фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан жиноят йўли билан олинган даромадни легаллаштириш (қонунийлаштириш) ҳамда терроризмни молиялаштиришга жалб қилиш эҳтимолини истисно қилиш;

маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқарилишида максимал равишда эҳтимоли бўлган натижавийликни таъминлаш;

ҳар чоракда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқарув органлари олдида ҳисобот бериш;

Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;

қонун ҳужжатлари ва Жамият Устави билан белгиланган қийматдан ортиқ қийматга эга бўлган йирик битимларни, алоҳида битимларни ёки ўзаро боғланган бир неча битимни Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиши учун тақдим этиш;

йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузилишини назорат органлари томонидан ўрганилишини амалга ошириш;

зарурият бўлганда Кузатув кенгаши томонидан қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ битимларни тузиш тўғрисидаги қарорлар маъқулланганда мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчини жалб қилиш;

аффилланган шахслар тўғрисидаги ахборот ҳисобга олинишини таъминлаш;

қуйидагилар билан битимларни тузиш тартибини ишлаб чиқиш ва унга риоя қилиш:

а) аффилланган шахслар билан;

б) Жамиятнинг акциядорлари ва уларнинг аффилланган шахслари билан;

Жамиятнинг ваколатли органлари томонидан олдиндан маъқулланмаган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан тутимларни тузмаслик;

юқори турувчи органларининг рухсатисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимлар эгалламаслик;

қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда Жамиятнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги низомга биноан қўшимча ахборотга мувофиқ Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилишини амалга ошириш;

акциядорларга ва мижозларга, бошқарув ва назорат органларига ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама қилиш мақсадида тақдим этиладиган бухгалтерлик ҳисоботи ва бошқа чоп этиладиган ахборотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

Жамиятда мавжуд бўлган ахборотни олиш ҳуқуқида эга бўлган шахслар томонидан бундай ахборотдан фойдаланишларини олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш;

оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда Жамият борасида салбий ахборотларнинг ҳаққонийлиги ва объективлигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Салбий ёки ҳаққоний бўлмаган ахборотнинг пайдо бўлишига оид ҳар бир ҳолат бўйича ўз вақтида чоралар кўриш.

Жамиятнинг ички назорат тизимидаги камчиликларни аниқлашда иштирок этиш;

бошқарув ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган ҳақларнинг Жамиятнинг молиявий аҳволини тўғри келишини, шунингдек Жамиятнинг фаолиятига доир эришилган натижалар режалаштирилган кўрсаткичларга қай даражада мувофиқ келишини таъминлаш;

касбий ва корпоратив одоб тамойилларига риоя этиш.

4.3. Жамият акциядорлари, шунингдек бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслар, Жамиятнинг ходимлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагиларга ҳам мажбур:

мажоритар ва миноритар акциядорларнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, Жамиятнинг меъёрий ҳужжатлари, Устави ва ички ҳужжатлари билан белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши лозим бўлган ахборотни акциядорлар эътиборига ўз вақтига етказилишини таъминлаш;

ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаш;

акциялдорларга қарама-қаршилик предмети бўлиши мумкин бўлган масалалар бўйича тўла-тўкис ахборотни тақдим этиш;

рақобатчи жамиятнинг акциялари (улушлари)ни сотиб олишда, шунингдек бундай шахсларнинг бошқарув органларида иштирок этишда Жамият бошқарув органлари аъзоларининг битим тузилишида манфаатдорлиги бўлган битимларни аниқлаш;

қабул қилинаётган раҳбарий қарорларнинг объективлигини, пухта ўйланганлигини ва мустақиллигини таъминлаш учун Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар таклиф этилишига интилиш.

4.4. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва мижозлари ўртасида манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагиларга ҳам мажбур:

Жамият ҳақидаги ахборотни белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминлаш;

маҳфий ва бошқа муҳим ахборотдан фойдаланиш тартибга қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

маҳсулотлар (хизматлар)ни сотиш ҳамда мижоздан шартнома билан ўзаро келишилган асосда белгиланган миқдорда ёки тўлиқ ошкор этилган ахборот асосидаги тарифлар бўйича ҳақ олиш;

Жамиятнинг обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган мижозлар билан битимлар тузилишига йўл қўймаслик;

ўз мижозлари учун маҳсулотлар (хизматлар)ни профессионал ва оқилона равишда сотиш;

мижознинг хатоси яққол бўлганда (шу жумладан аризада, шартномада ва бошқа мижоз томонидан имзоланган ҳужжатда хато бўлганда) ходимлар томонидан вазиятдан билатуриб шахсий мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслик. Бундай хато мавжуд бўлган тақдирда, Жамият ходими бундай ҳужжат ижро этилишини олдини олиш бўйича оқилона чоралар кўриши ҳамда бу ҳақда мижозни хабардор қилиши лозим;

мижозга берилган тавсиялар мазкур масала бўйича мавжуд бўлган ахборотнинг оқилона таҳлилига асосланган бўлишини таъминлаш;

Жамиятнинг бошқарув органлари ёки ваколатли мансабдор шахсларининг розилигисиз Жамиятда қоғоз, магнит ва бошқа турдаги ташувчиларда сақланаётган хизмат ёки тижорат сирига кирувчи ахборот сотув, топшириш, нусха олиш, кўпайтириш, алмашиш ва ўзгача тарзда тарқатиш ва ададланиш предмети бўлиб қолмаслигини таъминлаш учун Жамият фаолияти жараёнида яратилган, олинган ва тўпланган ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

4.5. Жамият ва унинг масабдор шахслари, ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида улар ўртасида манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва ходимлар қуйидагиларга ҳам мажбур:

ишбилармонликка оид мулоқот меъёрларига ҳамда касбий одоб тамойилларига риоя этиш;

белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

юқори турувчи мансабдор шахсни ёки бошқарув ва назорат органларини Жамият билан рақобат қилувчи ташкилотнинг улуши (акцияси)ни сотиб олиш нияти борлиги ҳақида маълум қилиш;

юқори турувчи мансабдор шахсни қарама-қарши вазиятни вужудга келишига сабаб бўладиган ҳолатлар вужудга келганлиги ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;

юқори турувчи мансабдор шахсни мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари катта молиявий манфаатга эга бўлган ҳамда Жамият тижорат фаолиятини олиб борадиган ёки олиб боришни мўлжаллаётган ташкилотлар ҳақида ёзма равишда хабардор қилиш;

Жамият ҳамда мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари катта молиявий манфаатга эга бўлган ёки аффилланган шахслар бўлиб ҳисобланган ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга бевосита таъсир кўрсатадиган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишдан ўзини тутиш;

Жамиятнинг манфаатларига зид келиши мумкин бўлган бошқа ташкилотнинг бошқарув органларида иштирок этиш учун Жамиятнинг юқори турувчи органларидан олдиндан рухсат олиш;

юқори турувчи мансабдор шахсни бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида иш юритиш нияти ҳақида ҳамда бўлажак иш Жамиятнинг манфаатларига зид келмаслиги ҳақида хабардор қилиш.

5. Манфаатлар қарама-қаршилигини тартибга солиш

5.1. Жамиятда вужудга келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини тартибга солиш учун Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қонуний ва асосланганлиги билан бир қаторла Жамиятнинг манфаатларига жавоб берадиган қарорни излаб топиш мақсадида судгача амалиётларни амалга оширадилар.

5.2. Мансабдор шахслар бошқарув ва назорат органлари ҳамда тузилмавий бўлинмалар номига келиб тушаётган акциядорлар ва мижозларнинг хатлари, аризалари ва талабларининг (шу жумладан оғзаки) ҳисобини ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашлари шарт.

5.3. Корпоратив қарама-қаршиликларнинг ҳисобини юритиш Жамиятнинг масъул шахси зиммасига юклатилади. Мазкур шахс корпоратив қарама-қаршиликка дастлабки баҳони беради, масаланинг мазмуни бўйича зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди ҳамда Жамиятнинг Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда уларни Жамиятнинг ушбу корпоратив қарама-қаршиликни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органига топширади.

5.4. Жамиятнинг корпоратив қарама-қаршиликларни ҳисобга олиш бўйича масъул шахси қарама-қаршиликнинг барча иштирокчиларига қўшимча ахборотни тақдим этилиши зарурлиги тўғрисидаги қарорни қабул қилади ва/ёки Жамиятнинг ваколатли органи раҳбарига бу тариқа қарама-қаршиликларни вужудга келтирувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида ички тартибда ва йўриқномаларни ўзгартириш, бошқа чора-тадбирларни ўтказиш бўйича таклифни киритади.

5.5. Мижоздан ёки бошқа манбалардан қарама-қарши вазият тўғрисида ахборотни қабул қилган ходим юқори турувчи мансабдор шахсни бу ҳақда дарҳол хабардор қилиши лозим. Тузилмавий бўлинма даражасида қарама-қаршиликни тартибга солишнинг имконияти бўлмаган тақдирда, бўлинма раҳбари бир иш куни мобайнида иэро этувчи орган раҳбарига ёки унинг ўринбосарига қарама-қаршилик ҳақидаги ахборотни, унинг вужудга келиш сабаблари, кўрилган чоралар ҳақидаги ахборотни тақдим этиши шарт. Бошқарув раиси ёки унинг ўринбосари қарама-қаршиликни ҳал қилиш тартибини белгилаб, ваколатли шахсни тайинлайди. Зарурият бўлганда, манфаатлар қарама-қаршилишини тартибга солиш учун комиссия тузилади.

5.6. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар қарама-қаршилигини тартибга солиш учун барча чораларни кўради. Манфаатлар қарама-қаршилигини тартибга солишнинг имконияти бўлмаган тақдирда, Бошқарув раиси ушбу масалани Бошқарув томонидан кўриб чиқилиши учун киритиб, манфаатлар қарама-қаршилиги ҳақидаги маълумотни Кузатув кенгашининг раисига юборади.

5.7. Ривож топшининг бирорта босқичида Жамият Бошқарувининг раиси ёки унинг ўринбосарлари манфаатларига даҳлдор бўлган ёки даҳлдор бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршилик ҳақидаги маълумот уч иш куни мобайнида Кузатув кенгашига қарама-қаршиликни ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун берилади.

5.8. Қарама-қаршиликни кўриб чиқиш натижасида ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёки Жамиятнинг амалдаги ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш зарурияти туғилса, Кузатув кенгаши ёки Бошқарув ҳужжатни ишлаб чиқиш ёхуд тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилади.

5.9. Жамиятда вужудга келадиган ҳар қандай манфаатлар қарама-қаршилигини тартибга солиш учун Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагиларга мажбур:

вужудга келаётган манфаатлар қарама-қаршиликларни жуда тез аниқлаш, ҳамда уларнинг сабабларини топиш;

Жамият бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини аниқ белгилаш;

Жамиятнинг ваколатли шахсни белгилаш ёки зарурият бўлган тақдирда, қарама-қаршиликни тартибга солиш комиссиясини тузиш;

жуда қисқа муддатларда Жамиятнинг қарама-қаршилик моҳиятига кўра нуқтаи назарини аниқлаш, тегишли қарорни қабул қилиш ва уни қарама-қаршиликнинг иккинчи тарафи эътиборига етказиш;

қарама-қаршиликни иккинчи тарафига Жамиятнинг қарама-қаршилик бўйича нуқтаи назарини аниқ асословчи тўлиқ ва батафсил жавобини юбориш, қарама-қаршилик иштирокчисининг илтимоси ёки талабини қониқтиришни рад этиш тўғрисидаги хабарни эса қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, Жамиятнинг Устави ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ички тартибга солувчи ҳужжатлар асосида асослаб бериш;

қарама-қаршиликни ҳал қилишда иштирок этган ваколатли шахс вужудга келган қарама-қаршиликнинг унинг манфаатларини ёки унинг оила аъзолари манфаатларига даҳлдорлиги ёки даҳлдор бўлиши мумкинлиги ҳақида дарҳол хабар беришини таъминлаш;

манфаатларига даҳлдор бўлган ёки даҳлдор бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар ушбу қарама-қаршилик ҳал қилинишида ва у бўйича қарор қабул қилинишида иштирок этмаслигини таъминлаш.

5.10. Акциядорлар ўртасида, Жамиятнинг бошқарув органлари ва унинг акциядорлари ўртасида қарама-қаршиликларни тартибга солиш учун:

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Жамият акциядорлари ўртасида вужудга келган қарама-қаршиликни тартибга солишда вакил сифатида чиқиши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахси ёхуд ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этиши, акциядорларга уларнинг тасарруфида бўлган ва қарама-қаршиликка алоқадор бўлган ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиши, қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатларининг меъёрларини тушунтириши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли органлари ёхуд ваколатли шахслари акциядорларга маслаҳат ва тавсияларни берадилар, акциядорлар томонидан имзоланиши учун қарама-қаршиликни тартибга солиш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайдилар, Жамият номидан ўз ваколатлари доирасида қарама-қаршиликни тартибга солишга ёрдам бериши мумкин бўлган миқдорда акциядорлар олдида мажбуриятларни ўз зиммасига оладилар;

Жамиятнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив қарама-қаршиликни тартибга солиш бўйича қарор амалга оширилишини ташкиллаштириши ҳамда Жамият номидан қарама-қаршилик иштирокчиси билан имзоланган келишувлар ижро этилишига кўмаклашиши лозим. Қарама-қаршилик тараф ива Жамият ўртасида уларнинг маж-

буриятларига оид моҳиятга кўра низо бўлмасдан, бироқ уларни бажариш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлар борасида келишмовчиликлар вужудга келган ҳолларда Жамият қарама-қаршилик иштирокчисига вужудга келган келишмовчиликларни тартибга солишни таклиф этиши ҳамда Жамият акциядорнинг талабини қондиришга тайёр бўлган шарларни баён қилиши лозим;

Жамиятнинг акциядор талабини қондиришга оид розилиги ушбу тарафнинг қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг Устави ёки бошқа ички ҳужжатлар билан кўзда тутилган бирорта ҳаракатларни амалга ошириш зарурияти билан боғлиқ бўлса, бу ҳолда Жамиятнинг жавобида бундай шартлар батафсил равишда кўрсатиб ўтилади, шунингдек уларни бажариш учун зарур бўлган ахборот кўрсатилади (масалан, акциядор томонидан талаб этилган ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш учун ҳақ миқдори ёки Жамиятнинг банк реквизитлари ва ш.к.).

5.11. Ушбу чоралар рўйхати тўла ҳисобланмайди. Ҳар бир алоҳида ҳолатда манфаатлар қарама-қаршилиги вужудга келган соҳадан келиб чиққан ҳолда қарама-қаршиликни тартибга солишга оид бошқа шакллар ҳам бўлиши мумкин.